

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

АХМЕДОВ ЭРКИН РАХМОНОВИЧ

**ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАСИДА
УМУМКАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Техника йўналиши олий таълим муассасалари мисолида)**

13.00.05 – Касб-хунаар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертациидоктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Ахмедов Эркин Рахмонович

Виртуал таълим технологиялари воситасида умумкасбий фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш (техника йўналиши олий таълим муассасалари мисолида).....

Ахмедов Эркин Рахмонович

Совершенствование методики преподавания общепрофессиональных предметов с помощью технологий виртуального обучения (на примере высших учебных заведений технического направления).....

Akhmedov Erkin Rakhmonovich

Improving the methods of teaching general subjects through virtual learning technologies (on the example of technical higher education institutions).....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

АХМЕДОВ ЭРКИН РАХМОНОВИЧ

**ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАСИДА
УМУМКАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Техника йўналиши олий таълим муассасалари мисолида)**

13.00.05 – Касб-хунаар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020/1.PhD/Ped1495 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Жўраев Хусниддин Олтинбоевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технологиялар институти

Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-90-37; e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz).

Диссертация билан педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-92-17).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э.Қурбонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, п.ф.н., профессор

К.Т.Олимов

Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг бир қатор етакчи олий таълим муассасаларида ўқитишнинг электрон воситаларидан фойдаланиш ва очиқ электрон таълим ресурсларини яратиш ҳамда виртуал таълим технологияларининг имкониятларидан кенг фойдаланиб ўқитиш, интерактив дастурий воситалар, визуал моделлар, мультимедиали электрон таълим ресурслар яратиш, бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш масалаларига оид илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга асосий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, МООС (Massive Open Online Course), Coursera, Universarium каби нуфузли илмий тадқиқот марказлари бу борада катта муваффақиятларга эришган. Шунинг учун ҳам, техника йўналиши олий таълим муассасаларида тайёрланаётган бўлажак муҳандисларнинг виртуал таълим технологияларидан фойдаланиш компетенцияси даражаларини аниқлаш, ўқитишни тизимлаштиришнинг назарий-методологик, методик асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Халқаро таълим амалиётида виртуал таълим технологияларининг имкониятларидан фойдаланиб, техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш, назарий ва амалий машғулотларда мультимедияли технологияларидан кенг миқёсда ва мажмуавий фойдаланиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнига динамик намоёнишли ўқув материалларини лойиҳалаш, виртуал таълим технологиялари воситасида амалий ва лаборатория машғулотлари ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича оптимал ёндошувлар билан боғлиқ илмий ишланмалар кўламини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологиялари интеграциясини таъминлаш орқали талабалар ўқув фаолиятини ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имкониятлари ошмоқда. Бу эса ўз навбатида, умумкасбий фанларни ўқитишда виртуал таълим технологияларидан фойдаланишнинг янги ёндашувларини тадқиқ этишни тақазо этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълимни янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни ўқитишда виртуал таълим воситалари ва технологияларини интеграциялаш асосида фойдаланишнинг дидактик имкониятларини такомиллаштириш орқали таълим сифатини ошириш зарурияти юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – Б. 39.

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5099-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарорлари, 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сонли Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кадрлар касбий тайёргарлигининг турли жиҳатларини такомиллаштиришга доир тадқиқотлар ва электрон таълим ресурслари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг назарий асослари ҳамда уларни таълим жараёнида қўллаш масалалари мамлакатимиз олимлари Р.Ҳ.Джураев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, А.Р.Ходжабоев, Ш.С.Шарипов, Ш.Э.Қурбонов, А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, А.Ҳайтов, Ф.М.Закирова, М.Арипов, Ж.А.Ҳамидов, О.Х.Туракулов, Н.И.Тайлақов ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида таълимни ахборотлаштириш муаммолари тадқиқи, таълим амалиётига, касбий фаолиятга таълим технологияларни, шу жумладан, масофавий ва электрон таълим технологияларини жорий этишнинг турли жиҳатлари А.А.Андреев, И.Г.Захарова, Е.С.Полат, И.В.Роберт ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Олий таълим тизимида ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш муаммолари хорижий давлатлар олимларидан E.Backer, M.Ahmed, M.Camacho, N.Rizk, D.Wallace ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича ўрганилган.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда таълимда электрон воситалардан фойдаланиш, виртуал таълим технологияларини қўллаш имкониятлари бўйича назарий ва амалий аҳамиятга молик айрим ёндашувлар илгари сурилган бўлсада, техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни ўқитишда виртуал таълим технологияларидан фойдаланиш методикаси махсус тадқиқ қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари

билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот иши Жиззах политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “AIF 1/4 – Касб-хунарга йўналтирилган марказ ва электроника бўйича қўшма ўқув лаборатория яратиш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот ҳамда Бухоро муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “AIF 2/20 – Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги халқаро амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни ўқитишда виртуал таълим технологиясидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни ўқитишда талабаларнинг дивергент, фазовий ва техник кўникмаларини ҳамда умумкасбий компетенцияларини виртуал таълим воситалари асосида такомиллаштириш;

анъанавий ва виртуал таълим воситалари интеграцияси асосида техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанлар бўйича ташкил этиладиган ўқув машғулотларининг тузилмасини такомиллаштириш;

умумкасбий фанлардан лаборатория машғулотларини виртуал таълим технологияларининг имкониятлари асосида такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумкасбий фанлардан бўлажак муҳандисларнинг мустақил таълимий фаолиятини виртуал таълим воситалари асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти техника йўналиши олий таълим муассасаларида виртуал таълим технологиялари воситасида умумкасбий фанларни ўқитиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни виртуал таълим технологияларидан фойдаланиб ўқитиш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Психологик ва педагогик илмий адабиётларни тадқиқот муаммоси нуктаи назаридан ўрганиш ва таҳлил қилиш; умумкасбий фанлари бўйича илмий-методик манбалар таҳлили; талабалар ўқув-тарбия фаолиятини кузатиш, анкета-сўровномалар ўтказиш, педагогик тажриба-синов ишларини амалга ошириш ҳамда унинг натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни визуал-кўргазмалилик ва ахборотлилик тамойиллари асосида ўқитиш орқали талабаларда дивергент, фазовий ва техник фикрлаш каби умумкасбий компетенциялар виртуал таълим воситасида такомиллаштирилган;

техника йўналиши олий таълим муассасаларида ривожлантирувчи таълим технологияси ва виртуал таълим воситаларини ўқув босқичларига кўра интеграциялаш асосида умумкасбий фанлар бўйича ташкил этиладиган ўқув машғулоти тузилмаси (мақсад, вазифа, техник йўриқнома ва амалий кўникма) мантикий кетма-кетлиги ва ўзаро алоқадорлиги узвийлаштирилган;

бўлажак муҳандисларнинг умумкасбий фанлар бўйича амалий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган “virtual training” ва “case study” каби интерфаол методларни қўллаш асосида муаммоли ва ижодий топшириқларни бажариш тартибини педагогик даражалаш ва техник тавсифлаш орқали виртуал лаборатория машғулотларининг ўқув-методик таъминоти материаллари такомиллаштирилган;

техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанлардан талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ташкил этишга мўлжалланган виртуал таълим технологиялари ва ташхисловчи педагогик дастурий воситалар асосида талабалар умумкасбий компетентлигини баҳолаш мезонлари (мотивацион, когнитив ва фаолиятли) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

техника йўналиши олий таълим муассасалари 5310600 – Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси бакалавриат таълим йўналишида “Электротехника ва электроника” умумкасбий фани ўқув-методик таъминоти, виртуал таълим технологияларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган электрон қўлланмалар яратилган;

техника йўналиши олий таълим муассасалари 5310600 – Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун “Электротехника ва электроника” умумкасбий фанлари бўйича виртуал таълим ва ўқитиш технологиялари асосида такомиллаштирилган дарс ўтиш методикаси ишлаб чиқилган;

техника йўналиши олий таълим муассасалари 5310600 – Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси бакалавриат таълим йўналишида ўқитиладиган “Электротехника ва электроника” умумкасбий фани бўйича виртуал лабораториялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларни ўзида акс эттирган республика ва халқаро миқёсдаги илмий-методик ва илмий-амалий анжуманлар материаллари тўпламлари, ЎзР ОАК тасарруфидаги ҳамда хорижий илмий-услубий журналларда нашр этилган илмий ва илмий-методик мақолалар, тадқиқот муаммоси бўйича ўтказилган анкета сўровлари, тажриба-синов ишларининг самарадорлиги математик-статистик усуллар асосида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумкасбий фанлар, хусусан, “Электротехника ва электроника” фанида виртуал таълим технологияларидан самарали фойдаланиш шакллари ва технологиялари асосида талабаларда дивергент, фазовий ва техник фикрлаш каби умумкасбий компетенцияларни,

шунингдек, уларнинг ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш, 5310600 – Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси бакалаврият таълим йўналишида мультимедиа, виртуал лаборатория, анимациялар негизидаги интерактив виртуал таълим технологияларидан фойдаланишга йўналтирилган ўқитиш методикасининг мазмуни ва технологик асосларини такомиллаштиришда фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти виртуал таълим технологияларидан самарали фойдаланиш мақсадида яратилган электрон таълим ресурси умумқасбий фанларни ўқитиш методикасининг методик таъминотини мустаҳкамлашга хизмат қилиши ва техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида бакалаврлар тайёрлаш сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича назарий ва методик тавсиялар келтирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Техника йўналиши олий таълим муассасаларида виртуал таълим технологияси воситасида умумқасбий фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумқасбий фанларни визуал-кўргазмалилик ва ахборотлилик тамойиллари асосида ўқитиш орқали талабаларда дивергент, фазовий ва техник фикрлаш каби умумқасбий компетенцияларни виртуал таълим воситасида ривожлантиришга оид таклифлардан 5310600 – Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси бакалаврият таълим йўналиши малака талабларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26-ноябрдаги 89-03-4947-сонли маълумотнома). Натижада ушбу таклифлар техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумқасбий фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

техника йўналиши олий таълим муассасаларида ривожлантирувчи таълим технологияси ва виртуал таълим воситаларини ўқув босқичларига кўра интеграциялаш умумқасбий фанлар бўйича ташкил этиладиган ўқув машғулотлари тузилмаси (мақсад, вазифа, техник йўриқнома ва амалий кўникма) асосида мантиқий кетма-кетлиги ва ўзаро алоқадорлиги узвийлаштиришга оид методик тавсиялар ва таклифлар эса Жиззах политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “АИФ 1/4 – Қасб-хунарга йўналтирилган марказ ва электроника бўйича кўшма ўқув лаборатория яратиш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот ҳамда Бухоро муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “АИФ 2/20 – Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги халқаро амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26-ноябрдаги 89-03-4947-сонли маълумотнома). Натижада ушбу лойиҳа

доирасида ишлаб чиқилган виртуал таълим технологиялари бўлажак муҳандисларда умумкасбий компетенцияларни ривожлантиришга хизмат қилган;

бўлажак муҳандисларнинг умумкасбий фанлар бўйича амалий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган “virtual training” ва “case study” каби интерфаол методларни қўллаш асосида муаммоли ва ижодий топшириқларни бажариш тартибини педагогик даражалаш ва техник тавсифлаш орқали виртуал лаборатория машғулотларининг ўқув-методик таъминоти материалларини такомиллаштиришга оид илмий-методик тавсиялар, “Электротехника ва электроника” фани бўйича мультимедиали электрон ўқув қўлланма (DGU 07943 06.01.2020 й.) мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26-ноябрдаги 89-03-4947-сонли маълумотнома). Мазкур таклиф ва тавсиялар бўлажак муҳандислардан дивергент, фазовий ва техник фикрлаш каби умумкасбий компетенцияларни ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 22 та илмий-методик ишлар нашр этилган бўлиб, улардан 2 таси ўқув-методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрлар орқали 7 та мақола (5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган, Республика Интеллектуал мулк агентлигидан 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни ўқитишда виртуал таълим технологияларидан фойдаланишнинг назарий асослари” деб номланган биринчи бобида умумкасбий фанларни ўқитишда виртуал таълим

технологияларидан фойдаланишнинг ҳозирги мавжуд ҳолати таҳлили, улардан фойдаланиш усуллари, умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида бўлажак муҳандисларда дивергент, фазовий ва техник фикрлаш каби умумкасбий компетенцияларни шакллантиришда виртуал таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятларининг илмий таҳлили баён этилган.

Ҳозирги кунда ўқитишнинг замонавий ёндашувлари, тамойиллари асосида таълим жараёни элементларини лойиҳалаш, ўқитишни индивидуаллаштириш ва интеллектуаллаштириш, ўзлаштириладиган билимларни инсонпарварлаштириш, ўқув материалларининг ижодий қабул қилиниши, қўлланиладиган дидактик воситалар кўрғазмалилиги, коммуникативлиги ва ахборотлилиги, таълим олишга юқори мотивация уйғотишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни ўқитиш мураккаб педагогик жараён бўлиб, у умумий, шунингдек, ўзига хос қонуниятлар билан ифодаланади ҳамда назарий ва амалий таълимларга ажралади. Назарий таълимнинг асосий масалалари: умумкасбий фанлар бўйича назарий билимларни ўзлаштириш; фан, техника ва технологиялар ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид билимлар тизимини шакллантириш; талабаларда дивергент, фазовий ва техник фикрлаш каби умумкасбий компетенцияларни ривожлантириш ҳисобланади. Амалий таълимнинг асосий вазифалари куйидагилар: фан-техника соҳасидаги замонавий тенденцияларни ўзида акс эттирган талабаларда техник билим, кўникма ва малакалар тизимини шакллантириш; касбий фаолиятда педагогик ва ахборот технологиялари негизида яратилган электрон ўқитиш воситаларидан фойдаланиш; ижодий фаолликни доимий равишда ривожлантириш; бўлажак муҳандисларда шахсий ва касбий сифатларни таркиб топтириш ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни ўқитишда ахборот-коммуникацион технологиялар негизида яратилган электрон ўқитиш воситаларидан фойдаланиш эса унинг назарий масалалари ва амалий вазифаларини ҳал этишга, яъни таълим жараёнини жадаллаштириш, шунингдек, талабаларда техник фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштириш, билимларни мустақил эгаллаш методикаларини ишлаб чиқишга пойдевор яратишга имкон бериш билан асосланди.

Тадқиқот жараёнида техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанлар бўйича ташкил этилган машғулотларда маъруза, амалий, лаборатория машғулотлар ва мустақил таълимда электрон ўқитиш воситаларини ўқув фаолиятининг куйидаги турларида қўллаш имкониятлари аниқланди: янги назарий ўқув материалларини ўрганиш ва баён этишда; амалий ва лаборатория топшириқларини виртуал муҳитда бажаришда; ўрганилган ўқув материални мустақамлаш, назорат қилиш ва текширишда; талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда; очик дарслар, телеконференциялар, аудиоконференциялар, намунавий машғулотларни

ўтказишда; амалий машғулотларда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари негизида умумкасбий фанлар бўйича электрон ўқитиш воситаларини яратишнинг истиқболли йўналишлари қуйидагилардан иборат эканлиги асосланди: мураккаб электротехник ва электрон қурилмалар бутун синфининг умумлашган ахборот моделини яратиш; таълим тренажёрлар ва имитацион моделлар, шу жумладан, виртуал моделлар, виртуал стендлар яратиш. Электрон ўқитиш воситаларини яратишда таркиби ва ишлаш усули бўйича хилма-хил ва мураккаб техник қурилма ва тизимларнинг назарий асосларини қулай ва тушунарли тарзда тақдим этиш ҳам муҳим эканлиги эътиборга олинди.

Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши туфайли электрон таълим воситаларининг узлуксиз янгиланиб бориши эса ўз навбатида, техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни ўқитишда таълим методларини мутаносиб тарзда ўзгартириб ва мослаштириб бориш ҳамда ривожлантиришни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда бугунги кунда умумкасбий фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштиришда виртуал таълим технологияларини кенг тадбиқ этиш заруратга айланмоқда.

Виртуал таълим имитацион дастурий ва техник воситалар ёрдамида ўқув материални визуал шаклда тақдим этишга, мураккаб бўлган жараён ва ходисаларнинг виртуал образини яратишга, мураккаб тажриба жараёнларини виртуал шаклда ташкил этишга ҳамда мустақил таълимнинг дидактик имкониятларини кенгайтиришга, ўқув фаолиятига нисбатан мотивацияни оширишга, фан бўйича асосий билимларни эгаллашга, уларни тизимлаштиришга, талабаларнинг мустақил ишида ўқув материалларини ўзлаштириш бўйича методик ёрдам беришга ундайдиган ҳамда талабаларнинг креатив фикрлашини оширишга мўлжалланган замонавий таълим муҳитидир.

Шунингдек, техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида мавжуд ўқитиш ҳолатининг таҳлили натижаси асосида умумкасбий фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишга оид педагогик муаммонинг ечими қуйидаги бир қатор асосий вазифаларнинг ҳал этилишига боғлиқ эканлиги маълум бўлди: умумкасбий фанлари ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етарли даражада малакасини шакллантириш; умумкасбий фанларни ўқитишда анъанавий усуллар билан бирга, электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш (электрон таълим ресурслари, виртуал таълим технологиялари, электрон дарсликлар, булутли технологиялар, электрон тренажёрлар); мураккаб техник жараён ва ходисаларни намоиш этишда виртуал таълим технологияларидан фойдаланиш; талабаларда фанга нисбатан мотивацияни янада ривожлантиришга йўналтирилган ўқув топшириқларини тадбиқ этиш; талабалар мустақил равишда лаборатория ишларини бажариши учун виртуал лабораторияларни яратиш; талабаларда Интернет тармоғида жойлаштирилган таълим порталлари, виртуал таълим платформаларидан

фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Техника йўналиши олий таълим муассасаларида бўлажак муҳандисларнинг умумкасбий фанлар, шу жумладан, “Электротехника ва электроника” фани бўйича дастлабки билим даражасини аниқлаш мақсадида тажриба-синов майдони этиб белгиланган олий таълим муассасаларида 20 дан ортиқ дарслар кузатилди. Кузатишлар таҳлили натижаси, талабаларда замонавий электрон ўқитиш воситалари, айниқса, виртуал таълим воситаларидан фойдаланиш кўникмасини, фанга нисбатан мотивацияни ривожлантириш зарурлигини кўрсатди. Худди шу ўринда тадқиқотнинг асосий воситаси бўлган виртуал таълим технологиялари ҳам электрон таълим муҳитида муҳим илмий-амалий самара берадиган восита бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби “Умумкасбий фанларни ўқитишда виртуал таълим технологияларидан фойдаланиш методикаси” деб номланиб, ушбу бобда техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни ўқитишда виртуал таълим технологияларидан фойдаланиш модели, виртуал таълим воситалари асосида аудитория машғулотларини (маъруза, амалий, лаборатория) ва талабаларнинг мустақил таълимий фаолиятини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш йўллари баён этилган.

Техника йўналиши олий таълим муассасалари талабаларида дивергент, фазовий ва техник фикрлаш каби умумкасбий компетенцияларни ривожлантиришда виртуал таълим технологияларидан фойдаланиш ўзига хос афзалликларга эга бўлиб, уларни мантиқий фикрлашга, фанга илмий ва ижодий ёндашишга ўргатади, ўқув мавзулари материалларини ўзлаштиришни осонлаштиради, умумкасбий компетенциялар ривожланишида муҳим, етакчи омил бўлиб хизмат қилади, билимларни мустақам ўзлаштиришга ёрдам беради, фанга ва касбга нисбатан ижобий муносабатни яратади.

Демак, техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни ўқитишга виртуал таълим воситалари қўлланилса, у ҳолда талабаларнинг ўқув-билиш мотивларини ривожлантириш, табақалаштирилган таълимни ташкил этиш, ўзлаштирган билимларини тизимли шаклда назорат қилиш ва баҳолаш, уларнинг мустақил ва ижодий изланишларини самарали ташкил этиш ҳамда дивергент, фазовий ва техник фикрлашини ривожлантириш имконияти яратилади.

Шунга кўра, таъкидлаш мумкинки, талабаларнинг фаоллиги ва ўқув фаолиятининг тўғри ташкил этилиши, умумкасбий фанларни ўқитишда виртуал таълим технологияларининг самарадорлигига ва улардан фойдаланиб қизиқарли равишда маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларининг самарали ташкил этилишига замин яратилади. Шу боис, тадқиқот доирасида виртуал таълим технологияларидан фойдаланиб, умумкасбий фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Моделнинг мақсадли компоненти мақсадлар иерархиясини ўзида акс эттиради, улардан энг асосийси эса умумкасбий фанларни виртуал таълим

технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш орқали талабаларда умумкасбий компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилади.

Моделнинг мазмунли компоненти умумкасбий фанларга доир фундаментал қонунлар, виртуал таълимга оид тушунчалар, ўрганиладиган илмий-техник назария ҳамда илмийлик, кўргазмалилик, тизимлилик, кетма-кетлик, мустаҳкамлик ва қулайлик каби дидактик тамойиллар, шунингдек, фақат янги ахборот технологияларига мос бўлган интерактивлик, мослашувчанлик ва суггестив – тесқари алоқа каби дидактик асосида қурилди. Умумкасбий фанлардан маъруза машғулотларида ривожлантирувчи таълим ва муаммоли таълим технологияларидан, амалий машғулотларда эса “Тушунчалар таҳлили”, “Кластер”, Венн диаграммаси” методлари “энг сўнги” ўйин технологияси ва лаборатория машғулотларида кўргазмали таълим методи, мустақил таълим машғулотларида эса лойиҳалаш ва тадқиқотчилик методларидан фойдаланилди.


Моделнинг назорат компоненти талабаларда умумкасбий компетентлик шаклланганлик даражасини доимий мониторинг қилиб, ташхис қўйиб боришни назарда тутди.

Техника йўналиши олий таълим муассасалари 5310600 – Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси бакалаврият таълим йўналиши талабаларига “Электротехника ва электроника” умумкасбий фани машғулотларининг ўқув-ташқилий тузилмаси ривожлантирувчи таълим ва муаммоли таълим технологиялари ҳамда виртуал таълим технологиялари (виртуал лабораториялар, анимация эффектлари, визуал тақдимотлар, аудио ва видео воситалар) ўқув босқичларини билимлар кетма-кетлигига боғлаш, мослаш ва тўлдириш кема-кетлигида баён этилган.

Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли маъруза машғулотлари ҳисобланади. Шунинг ҳам фан ўқитувчилари мазкур ўқитиш шаклини амалга оширишда педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш йўллари лойиҳалай олишлари зарур. Шу боис, техника йўналиши олий таълим муассасаларида ўрганиладиган умумкасбий фанлардан маъруза дарсларини лойиҳалашда виртуал таълим технологияларидан фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Маъруза машғулотида ўқитувчи берилаётган материални турли хил кўринишда (нутқнинг паст ёки юқорилиги, такрорлаш, қўшимча намойиш этиш ва бошқалар) баён этиш имконияти мавжуд. Аммо ўқитувчи талабаларда бунга қанчалик даражада эҳтиёж мавжудлигини аниқ билмаслиги мумкин. Бунга талабаларнинг маъруза дарсларини маълум қисмларига фаол иштирок этмаганлиги сабаб бўлиб ҳисобланади. Натижада улар машғулотдан машғулотга қадар бўлган ўқув маълумотларини ўзлаштириш имконига эга бўлмаслиги мумкин.

Мазкур муаммоларни бартараф этишда виртуал таълим технологиялари асосида маъруза дарсларини ташкил этишнинг кўргазмали шакл ва методларини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.




1-расм. Виртуал таълим технологияларининг дидактик имкониятларидан фойдаланиб талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш модели

Шунинг учун умумкасбий фанларни ўқитишда ташхисловчи педагогик дастурий воситаларни (стандарт ва ностандарт тестлар), виртуал таълим (виртуал видео маъруза, виртуал изоҳли луғат) ва таълим технологияларини (муаммоли, ривожлантирувчи, компьютерли, тармоқли) интеграциялаш асосида такомиллаштирилган маъруза дарсларини ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилди (2-расм).

“Электротехника ва электроника” умумкасбий фанини виртуал таълим технологиялари воситасида ўқитиш методикасининг асосини анъанавий дидактик тамойиллар билан бирга фанни ўқитиш жараёнини тизимли таҳлил қилишга асосланган тизимли ёндашув, шунингдек, фан ва техникада етакчилик алмашиши билан боғлиқ динамиклик ва мослашувчанлик каби махсус тамойиллар ташкил этади. Талабалар “Электротехника ва электроника” фани бўйича лаборатория ишларини бажаришда MULTISIM 10.0”, “NIMULTISIM 11.0” схематик моделлаштириш дастурларидан фойдаланиш йўли билан конструкцияланиши мумкин бўлган ўқув моделларидан фойдаланиш катта фойда келтиради. Ушбу дастурлардан MULTISIM 10.0”, “NIMULTISIM 11.0” энг мукаммали бўлиб, унинг ёрдамида талаба лаборатория ва амалий машғулотларни бажаришда, масалан, ихтиёрий мантиқий схемани йиғишда турли хил элементлардан фойдалана олиш имкониятига эга бўлибгина қолмасдан ясалган қурилмани ишлашини кузатиш имконига ҳам эга бўлади. Бундай машғулотларнинг электрон кўриниши куйидагиларга имкон беради: талабаларнинг ўқув ишларида фаолликлари ва мустақилликларини оширади; ўқув материалининг мультимедиа кўриниши орқали уни қабул қилиш жараёнини осонлаштиради; ҳар бир талабанинг материални ўзлаштириши бўйича тўлиқ назоратини таъминлайди; талабалар ўқув фанига оид ўқув материалларини мустақил ишлашга, изланишга, ўқитишнинг самарали шакл ва методларидан фойдаланишга ўрганади, кўникма ҳосил қилади.

Ушбу дастур асосида “Электротехника ва электроника” умумкасбий фанининг “Ўзгармас ток занжирида бажариладиган ўлчашлар”, “Ўзгарувчан ток занжирида электр энергия истеъмолчиларини кетма-кет улаш”, “Ўзгарувчан ток занжирида электр энергия истеъмолчиларини параллел улаш”, “Ўзгарувчан ток занжирида электр энергия истеъмолчиларини аралаш улаш”, “Трансформаторлар. Бир фазали трансформаторни текшириш” ва “Бир фазали занжирда қувватни ўлчаш, бир фазали турғун электр энергияни ўрганиш” мавзулари бўйича виртуал лаборатория ишлари яратилган. Ишлаб чиқилган виртуал лаборатория ишлари “Электротехника ва электроника” умумкасбий фанининг қонуниятлари мазмуни ва моҳиятини очиқ беришда ҳамда ўқитиш самарадорлигини оширишда кенг имконият яратади.

Юқорида қайд этилган тамойиллар ва дастурий восита асосида ишлаб чиқилган “Электротехника ва электроника” умумкасбий фанини ўқитиш методикасидан виртуал таълим технологияси воситасида ўқитишнинг барча ташкилий шаклларида фойдаланиш кўзда тутилган.



2-расм. Виртуал таълим технологиялари воситасида “Электротехника ва электроника” фанини ўқитиш методикаси

Умумқасбий фанларни ўқитишда талабаларда дивергент, фазовий ва техник фикрлаш каби умумқасбий компетенциялар маъруза ва лаборатория машғулотлари, мустақил таълим олиш вақтида ўқув-маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, уларнинг муҳим жиҳатларини ажратиш, янги ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини олдингилари билан ўзаро

боғлаш, умумлаштириш, такрорлаш, уларни амалга тадбиқ қилиш орқали ривожланади.

Тадқиқот жараёнида талабалар аудиторияси учун виртуал таълим технологиялари асосида умумкасбий фанларнинг ўқув-услугий таъминоти яратилди, моделни педагогик амалиётга жорий этиш методикаси ишлаб чиқилди.

Техника йўналиши олий таълим муассасалари ўқув жараёнида қўлланилаётган таълим методларига хос бўлган мавжуд камчиликлар, шу жумладан, “5310600 – Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси” таълим йўналишининг талабаларига “Электротехника ва электроника” умумкасбий фанидан мустақил иш топшириқларини бажаришларида ҳам компьютернинг виртуал таълим технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли баъзи бир талабаларнинг мустақил фикрлаш фаолияти етарлича ривожланмай қолишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, тадқиқот доирасида техника йўналиши олий таълим муассасаларида талабаларнинг умумкасбий фанлар бўйича ташкил этиладиган мустақил таълимий фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида elektron.uz виртуал таълим платформаси яратилди. Мазкур платформа талабаларнинг мустақил таълими учун педагогик имкониятларни яратади, яъни талабаларни мустақил таълим фаолиятини ўқув-услугий маълумотлар билан таъминлайди; мустақил ўқув фаолиятининг самарадорлигини оширади; лаборатория ишларини виртуал тартибда бажаришни таъминлайди; дарсга қатнаша олмаган ва имконияти чекланган талабаларнинг билим олишини таъминлайди.

Диссертациянинг “Педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари” деб номланган учинчи бобида техника йўналиши олий таълим муассасалари 5310600 – “Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси” таълим йўналиши талабаларига умумкасбий фанлар туркумига кирувчи “Электротехника ва электроника” фанини виртуал таълим технологиялари воситасида ўқитиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган педагогик тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил этиш ва баҳолаш келтирилган.

